

РЕСУРСЛАРНИ ТЕЖАШ ВА МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МУХАНДИС-ХИММОТОЛОГЛАРНИНГ ЎРНИ

*Тошент давлат транспорт университети
т.ф.н., доцент А.Собиржонов, ассистент В.Мелиев*

Анотация: Ушбу мақола хозирги кунда долзарб бўлган нефт ва нефт маҳсулотларига булган эҳтиёж ошиб бориши билан бир қаторда мухандис-химмотологларга бўлган талаб хам ошиб бориши, мухандис-химмотологиялар ёнилғи мой маҳсулотларидан самарали фойдаланиш эвазига эҳтиёт қисмларга бўлган сарф харажат камайтириш йўлларини ўрганади ва ҳаётга тадбиқ этадилар.

Калит сўзлар: Ресурслар, муқобил энергия, мухандис, химмотология, ёнилғи, мотор мойлари.

Инсоният тараққиётини ва фаровонлигини энергия манбаларисиз, биринчи навбатда, анъанавий нефт ва газ маҳсулотларисиз, қолаверса, муқобил, қайта тикланувчи ресурсларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Давр маҳсули ўлароқ, ўтган асрнинг сўнги йилларида фан ва техникада янги изланишлар — ёнилғи ва мойлаш маҳсулотларидан самарали фойдаланиш назарияси ва амалиётидан иборат илмий йўналиш — химмотология фани вужудга келди[1,2].

Бу йўналиш ўз таркибига бир нечта фан ва соҳаларни бирлаштириди. Чунки мутахассис-химмотолог, ҳам техника тузилишини ва ундан фойдаланишини, ҳам улар учун қўлланиладиган ёнилғи, мой, маҳсус суюқликларда юз берадиган ўзгаришлар, уларни ташиш, сақлаш ва қўллашни оқилона ташкил этишга доир билимларга эга бўлиши лозим эди.

Химмотология олий таълимга машинасозлик, транспорт, нефтни қайта ишлаш, физик ва коллоид кимё, ейилиш ва занглаш назариялари, гидравлика қонунлари ҳамда экологик таъсирларни ўз ичига олган фанлар мажмуаси сифатида кириб келди [1,3].

Бугунги кунда халқ хўжалигининг қўплаб тармоқлари самарадорлиги, улардаги техника ва транспорт воситаларининг ишончлилиги, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари сифатига боғлиқлиги сир эмас. Масалан, юк ва пассажир ташиш таннархида энг кўп сарф ёнилғи-мой маҳсулотларига кетган сарф ҳисобланиб, айrim ҳолларда таннархнинг ярмидан кўпини ташкил қилмоқда [4,5].

Ёнилғи-мой сифати эса нафақат транспорт воситасининг самарали ишлашига, аксар ҳолларда айrim агрегат ва қисмларининг кутилмаган нуқсонларини, уларни таъмирлаш учун қўшимча, кўзда тутилмаган сарфларни келтириб чиқишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун химмотологияга оид фанларда

кўзда тутилган лаборатория ва амалий машғулотларнинг айрим мавзулари бевосита автокорхоналарда, ёнилги қуиши шахобчаларида, автосервис корхоналарида ўтказилмоқда.



Мустақиллигимизнинг илк кунларида Ўзбекистон ҳалқига қардош корейс ҳалқи тухфаси сифатида келтирилган DAEWOO автобуслари двигателларига тавсия этилган мойлар йўқлиги учун Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида чиқарилган ва ўша пайтда давлат корхоналарига етказиб турилган SAE-40 мойини қўллаш, двигателда кўп қурум ҳосил бўлишига, унинг оқибатида эса двигателдаги ейилиш жараёнларининг кучайишига ва икки йилга бормасдан двигателни тўхташига олиб келди.

Ўзбекистон ҳаво йўларида фойдаланиётган иккита ЯК-40 самолёти сифатсиз авиакеросин ишлатилиши оқибатида ярим муддатдаёқ харакатдан тўхтатилиди.

Қишлоқ хўжалиги учун ҳарид қилинган ҳарид қилинган, оддий транспорт воисталарига нисбатан 10 марта кам фойдаланиладиган техникалар эса, сифатсиз мойлар қўлланиши туфайли, сақлаш жараёнида қўлланилувчи маҳсус ҳимоя мойлари йўқлиги туфайли, деярли хар икки йилда бир мукаммал таъмирланади[6]. Бунинг натижасида уларнинг самарадорлиги пасайиб ва кўплари муддатдан олдин ҳисобдан чиқарилмоқда.



Сўнгги йилларда четдан келтирилаётган ҳамда хозир ўзимиизда ишлаб чиқарилаётган техникаларнинг барчаси янада такомиллашган ёнилғи-мой маҳсулотларини қўллашга мўлжалланганлиги, бу талабларга мос маҳсулотларни химмотологлар томонидан яратилиши лозимлиги шу куннинг долзарб масалаларидандир.

Мамлакатимизда химмотология фани пойдеворини қўйишда академиклар О. Салимов, О. Лебедев, С. Негматов, С. Қодиров, А. Жалилов, профессорлар А. Муталибов, А. Беленъкий, Ў. Иқрамов, Қ. Шарипов, Ш. Абдуллаев, Б. Ҳамидов, Ш. Сайдаҳмедов, Э. Саидаҳмедовлар ва бошқалар катта ҳисса қўшишган. Айни пайтда Тошкент давлат транспорт университети профессор-ўқитувчилари Ю. Шодиметов, Б. Базаров, Р. Ахматжанов, Н. Мўминжонов, З. Алимова, Р. Ҳакимов ва А. Собиржоновлар муносиб ҳиссаларини қўшиб давом эттиришмоқда лекин айрим объектив ва субъектив сабабларга кўра химмотолог магистрлар тайёрлаш тўхтаб қолди, хозирги кунда қайта тиклашга таклифлар берилди.

ХХ аср охирида Буюк Ипак йўли марказида жойлашган Ўрта Осиё минтақасида бир нечта мустақил давлатлар вужудга келди ва маълум вақт давлатлар орасида транспорт харакатлари чекланди. Айни пайтда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари ташаббуси ва саъй-харакати билан “Бир макон — бир йўл” тамойили доирасида ана шу қадимий карvon йўли босқичма-босқич тикланмоқда. Ва бу йўлдан энди турли модель ва маркалардаги автомобиллар, поездлар ва бошқа транспорт “карvon”лари ўтиши шубҳасиз.

Йўл ёқаларида уларга хизмат қўрсатувчи сервис корхоналар, мотеллар, катта-кичик устахоналар, ёнилғи қўйиш шохобчалари, мой алмаштириш нуқталарини жойлаштириш ва уларнинг самарали ишланини ташкил қилиш лозим бўлади.

Сўнгги ўн йилда автомобиллар маркалари, уларга қўйилаётган ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари тури кўпайди, сифати ва нарх-навоси бир-биридан фарқ

қила бошлади. Бизда кўпроқ ўзимизда ишлаб чиқарилаётган автомобиллар, қўшни давлатларда эса, асосан, Россия, Хитой, Япония ва Корея Республикасидан олиб келинган иккиламчи бозор автомобиллари кўпайди.

Шу боис бугунги кунда автомобиль “таомнома”сини танловчи ва тайёрловчи — химмотологларга бўлган талаб ва эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Колаверса, Учинчи Ренессансга пойдевор қўйилаётган бугунги кунда кенг соҳалар, ноанъанавий йўналишларда комплекс изланишлар олиб боришга лаёқатли ёшларни тайёрлаш олдимиизда турган муҳим вазифа саналади[4].

Тошкент давлат транспорт университетининг ташкил этилиши химмотология фани бўйича изланишларни янада кенгайтириш, нафақат автомобиль, балки темир йўл транспорти, аэропортлар, агрокластерлар ҳамда Марказий Осиё давлатларида фаолият қўрсатаётган минглаб ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари таъминоти корхоналари учун ҳам мутахассис кадрлар тайёрлашга имкон беради.

Ушбу мутахассислик бўйича битирган магистр химмотологларнинг ярмига якини PhD диссертациясини ёқлаб мамлакатимиз илмий-ўқув муассасаларида, “Ўзстандарт” агентлигига, Фанлар академияси институтларида фаолият қўрсатишишмоқда.

Транспорт воситалари учун нефть маҳсулотлари билан бирга муқобил энергия манбаларини кўпайтириш, уларни қўллашда ёнғин ва экологик хавфсизликни камайтириш, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари анатомияси ва компонентларининг нано ўлчамлардаги таъсир механизми ҳамда техникалар тузилиши ва уларнинг эксплуатацияси бўйича билимга эга мутахассислар — муҳандис-химмотологлар тайёрлашни ҳар томонлама ривожлантириш лозимдеб ҳисоблаймиз[7,8].

Айни пайтда университетимиз қошида химмотолог ва экологлар клубларини ташкил этганимиз. Улар нафақат олим ва талабаларимиз, балки ана шу соҳа ва мутахассисликка қизиққанларни, жумладан, чет элликлар учун ҳам очик бўлишини истаймиз. Бундан ташқари клубларимизга ўсимлик шаклидаги тикланувчи энергия манбаларни ўстирадиган ва уларни қайта ишлайдиган мутахассисларни ҳам таклиф этамиз, чунки жаннатмакон юртимизнинг барча гўшаларида таркибида мой, эфир, каучук каби моддаларни йигувчи турли-туман “нефть” ўсимликлари ўстириш мумкин.

Буларни тахлил қилиш, қайта тикланувчи манбалардан келажақда ёнилғи – мой маҳсулотлари олишни ўрганиш учун лаёқатли мутахассислар тайёрлаш мақсадида молия билан таъминланган соҳалараро илмий лаборатория ташкил этиш, агрономлар, кимёгар технологлар ва транспорт муҳандисларини бир жойга жамлаш зарур бўлади.

Сифатли яратилган ва танланган ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, турли хил техник суюқлик ва эксплуатация материаллари техникаларнинг ҳамда транспорт воситаларининг узоқ муддат ва самарали ишлашига, уларнинг атроф-муҳитга етказилаётган заарларининг камайишига кафолатdir.

Адабиётлар рўйхати

1. Гуреев А.А., Фукс И.Г., и др. Химмотология. М. Химия. 1986. 386с.
2. В.М.Школьников и др. Топлива, смазочные материалы технические жидкости. Ассортимент и применение. М:Техноформ. 1999г
3. Alimova Z.X. Transport vositalarida ishlataladigan ekspluatatsion materiallar. Toshkent «Vneshinvestprom» 2019 у.
4. Собиржонов А, Б. Элмурадов, В. Мелиев. **Транспорт воситаларида қўлланиладиган мойлаш материаллари мавзусини ўқитишида инновацион педагогик усуллари.** Academic Research in Educational Sciences Volume 3 | Issue 12 | 2022.
5. Собиржонов А, Мелиев В. Кам фоидаланиладиган техникаларни занглаб ейилишдан сақлаш учун ашёлар. Международный научный журнал № 4 (100), часть 2 «Новости образования: исследование в XXI веке» ноябрь, 2022
6. Sobirjonov A., Alimova Z.X., Meliyev V.M. Improving the corrosion protection properties of oils using oil-soluble inhibitors, Thai Bulletin 2016 №4 pages 84-86.
7. Базаров Б.И., Ахматжанов Р.Н. Одилов О.З. Использование альтернативных энергетических источников и установок на транспорте. Ташкент. «Iqtisod-moliya» 2023г.
8. Ibraximov K.I., Kadirshayev T.Q., Sobirjonov A va boshqalar. Yonilg'i quyish shaxobchasida texnik servis ko'rsatish. T; “Iqtisod-moliya”. 2013,-200b